

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМ ЭКАНИНИ ТАЪКИДЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалда давлатимиз раҳбари Россия етакчисини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустахкам соғлиқ, фаровонлик ва катта муваффақиятлар, дўст Россия халқига эса тинчлик-осойишталик ва бардавом равиқ тилади.

Президент Владимир Путиннинг замонавий Россияни барпо этишдаги тарихий роли ҳамда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустахкамлашга қўшаётган шахсий ҳиссаси қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳамкорлик барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми ва саноат кооперацияси қўлама мутасил ошиб бормоқда, жумладан, Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи корхона ва банклари иштирокида

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING АФҒОНИСТОНГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиллов бошчилигидаги делегация 7 октябрь куни Афғонистон муваққат ҳукумат раҳбарининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Мулла Абдул Кабир бошчилигидаги Афғонистон раҳбарияти вакиллари билан музокаралар ўтказди.

Учрашувда Афғонистон Бош вазирининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари А. Ханафий, транспорт ва фуқаро авиацияси, умумий ишлар, энергетика ва сув ресурслари

вазирлари ҳам иштирок этди.

Ташқи ишлар вазири ва-зифасини бажарувчи Мавлавий Амирхон Муттақи билан алоҳида музокара-лар олиб борилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ БЕЛГИЛОВЧИ НОРМАЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДАН ЧИҚАРИЛДИ(МИ?)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида **“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги қонун лойиҳаси яна бир бор муҳокамадан ўтказилди.

Маълумки, мазкур қонун лойиҳаси парламент куйи палатасининг 2021 йил 15 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди.

Таъкидлаш жоиз, истеъмолчи ҳуқуқини таъминлаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Истеъмолчи даромади ва маданиятининг ошиши ҳамда бозорда товарлар ва хизматларнинг кўпайиши, рақобат муҳитининг шакллана бориши махсулотлар сифати ва уларга қўйилаётган талаблар истеъмолчиларнинг манфаатларига хизмат қилиш нуктаи назари-

дан ўзгариб бормоқда. Шу муносабат билан амалдаги қонун нормалари ҳам бугунги замон талабларига мослашиши ва ўзгариши тақозо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолияти янада такомиллаштирилиб, ваколатлари кенгайтирилди.

МАҚСАДИМИЗ – ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ, АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ДАРОМАДНИ КЎПАЙТИРИШ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 7 октябрь куни Сирдарё вилоятида бўлди.

Мамлакатимизда полипропилен махсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, соҳада маҳаллаштирашни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар натижасида экспортбон махсулотлар ишлаб чиқаруви корхоналар сафи кенгаймоқда. “Сирдарё мега люкс” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси ана шулардан биридир.

Давлатимиз раҳбари дастлаб ушбу корхона фаолияти билан танишди.

Ўтган йили бу ерда полипропилендан катта ситимли қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. “Юмшоқ контейнер” деб аталувчи бу қоплар 500 килограммдан 5000 килограммгача юк кўтаради. Уларга ишлаб чиқариш, савдо, қишлоқ ҳўжалиги, логистика каби қўллаб соҳаларда талаб юқори. “Сирдарё мега люкс” йилга 132 миллион донга шундай махсулот тайёрлаш қувватига эга.

Егитта корпусдан иборат улкан корхона ичмил ривожланиб бормоқда. Жорий йил май ойида икки қаватли плёнка тайёрлаш йўлга қўйилди. Яқин ойларда стреч плёнка ва спанбонд технологияси асосида нотўқима мато ишлаб чиқариш бошланади.

Ҳозирда корхонада 2 мингдан ортиқ кишилар иш билан таъминланган. Мазкур лойиҳалар тўлиқ қувватга чиққан, иш ўринлари 5 мингга етади.

Бугунги кунда Россия, Исроил, Беларусь, Украина, Қозғистон каби 14 та мамлакатга экспорт йўлга қўйилган. Янги лойиҳалар билан биргаликда экспорт ҳажми 215 миллион долларга етиши мўлжалланган.

Президентга истиқболдаги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Унга қўра, келгуси беш йилда полимер махсулотлари ишлаб чиқариш бўйича технопарк ташкил этиб, умумий қиймати 350 миллион доллар бўлган саккизта лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг учун 260 миллион доллар инвестиция жалб этилиб, Германия, Италия, Австрия технологияси ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги билан бирга ижтимоий жиҳатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш заруриятини таъкидлади.

— Бу махсулотларнинг хом ашёси ўзимизда, она заминимизда. Бундан ақл билан фойдаланиб, нарх ва сифат мутано-

сиблиги таъминланса, махсулотларимиз рақобатбардош бўлади. Фақат иқтисодий эмас, иқтисодий-ижтимоий лойиҳалар қилиш керак. Тадбиркор ҳам даромад топсин, одамлар ҳам, — деди Шавкат Мирзиёев.

Зарур маблағ йўналтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар ошириш, келгусида ишчилар учун уй-жойлар барпо этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё туманидаги Ширин маҳалласида яшовчи Дониёр Йўлдошев хонадонида бўлиб, оиланинг турмуш шароитлари билан танишди.

Бу уй юртимиздаги обод ҳовлилардан бири. 10 сотих томорқада мевали ва манзарали дарактлар, сабзавотлар экилган. 30 бош насли курка боқилиб, бир йилда 25 миллион сўмгача қўшимча даромад олиномқда.

Давлатимиз раҳбари бу сайё-ҳаракатларни маъқуллаб, ана шундай обод хонадонлар кўпайиши кераклигини таъкидлади.

— Хўдудларда юришим, ҳар кунги ҳаракатларимдан мақсад — одамларни рози қилиш, аҳоли жон бошига даромадни кўпайтириш. Илгари четта хом ашё сотардик. Ҳозир ҳаммасини мамлакатимизда қайта ишлаб, тайёр махсулот чиқарипмиз. Корхоналар очилаяпти, ёшларимиз, хотин-қизларимиз ишли бўлаяпти. Бундайлар кўпайиши, бунинг учун ривожланиш маҳаллада бўлиши керак. Маҳалла яхши бўлса, давлат кучли бўлади. Ёшларни билимли, ақлли қилиб тарбияласак, ўз йўлини, ишини топади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизга тинчлик, фаровонлик тилаб, дуо қилинди.

Шавкат Мирзиёев Сирдарё туманида вилоят сайловчилари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳрининг Янги ҳаёт маҳалласида бўлди.

Бу ерда 2019-2020 йилларда 14 та кўп қаватли уй қурилган. Бугунги кунда яна 7 та 9 қаватли уй қурилиши бошланган. Улардаги 504 та хонадондан 100 таси кам таъминланган оилаларга имтиёзли равишда берилди. Ёшлар меҳнат гузарии, стадион, болалар майдончалари қурилади.

Президентимиз янги мавзеда хизматларни кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиб, бу ерда яшовчиларни иш билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

— Камбағалликни қисқартиришнинг энг асосий омиллари бошпана ва иш жойи, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бу мақсадлар учун катта имкониятлар берилаяпти. Бу йилдан бошлаб ипотека кредити бўйича молиявий ресурслардан етишмовчилик ва чекловлар бўлмаиди, деб эълон қилганмиз. Шундан фойдаланиб, тадбиркорлар иштирокида кўп уйлар қуриш мумкин.

Шу ерда маҳалла нуронийлари билан самимий мулоқот бўлди.

— Бир пайтлар Сирдарё вилояти фақат қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган эди. Охириги йилларда замонавий саноат қириб келяпти. Ана шундай уйлар қурилаяпти. Нима учун? Одамларда харид қобилияти бор. Энди бу ишларни тўхтатмаслигимиз керак. Чўнки ёшларимиз етишиб келяпти, халқимизнинг талаби ўсиб боряпти. Давлатимиз шунга муносиб шароит яратиши керак, — деди Президент.

Нуронийлар вилоятда рўй бераётган ўзгаришлар, ёшлар тарбияси ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳрида қуриляётган Тадбиркорлар ва хўнарамандлар марказини бориб кўрди.

Бу ерда тадбиркорликка қизиқан инсонларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, бизнесини бошлашга кўмаклашиш, ёшларга хўнар ўргатиш йўлга қўйилди, махсулотлар қўргазмалари ўтказилди.

Марказ “Дўстлик” канали бўйида жойлашгани унга янада фазл берган. Хўдуд ободонлаштирилиб, сўлим жиёбон ташкил этилган. Манзарали дарактлар экилган. Пиёдалар ва велосипед йўлақлари, фавворалар барпо этилган. Ўриндиқлар ёнига китоб жавонлари ҳам қўйилган.

Умуман айтганда, бу ер нафақат бизнес, балки маданият, туризм масканига ҳам айланган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Шўхрат СУЯРОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон — Туркменистон: дўстона муносабатларда янги саҳифа очилди

Кейинги беш йилда чуқур ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юритилди. Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳити вужудга келди. Эътиборлики, минтақадаги қўшнилар билан муносабатларда 2016 йилгача мавжуд бўлган кўплаб мураккаб муаммоларга ечим топилди.

Фикр

Минтақадаги мамлакатларга олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди. Давлатлар етакчилари ўртасидаги сиёсий мулоқот ўзаро ишончга асосланган муносабатлар ва доимийлик касб этди.

Президентимиз таклифига биноан яқинда мамлакатимизга Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг расмий ташриф билан келиши мазкур давлат билан ҳам дўстлигимиз барқарор ҳамда бардавом эканини яна бир бор намоён қилди.

Учрашувда давлат раҳбарлари кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш таъминлиларига асосланган икки томонлама муносабатларнинг бугунги даражасини юксак баҳоладилар.

Кейинги тўрт йилда ўзаро савдо ҳажми уч баробар кўпайиб, 400 миллион доллардан ошди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш яна 25 фоизга ортди. Турли тармоқларда саноат кооперациясини ривожлантириш, шу жумладан, автомобиллар йиғиш, кимёвий махсулотлар, электр техникаси ва май-

ший ускуналар, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, пахта толаси ва мева-сабзавот махсулотларини чуқур қайта ишлаш, логистика инфратузилмасини яратиш ҳам икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари сифатида белгиланган.

Томонлар транспорт соҳасида ва транзит йўлакларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олдилар. Бу борадаги ўзаро мувофиқлаштирилган қўшма сайё-ҳаракатлар юк ташишлар ҳажмини ошириш ҳамда транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қўлай шароитлар яратди.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлиқни мустаҳкамлаш ва ўзаро англашувни кўчатиришнинг муҳим омилли бўлган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокима қилинди.

Музокараларда, шунингдек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик бутун Марказий Осиё

минтақасида барқарор тараққиёт гарови экани таъкидланди.

Президентлар халқаро майдонда, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Исрол ҳамкорлик ташкилоти, Туркий тили давлатлар ҳамкорлиги Кенгаши ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида яқин мулоқотни давом эттириш ва ташаббусларни биргаликда илгари суришга келишиб олдилар.

Ташриф доирасида кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигининг деярли барча йўналишлари қамраб олувчи ҳужжатлар имзоланди. Зеро, ҳамкорлик, шериклик қизгин тус олдандагина ҳамма соҳада жадал тараққиёт, ўсиш бўлади.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Алишер Қодировнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган кўплаб устувор йўналишларга оид мақола чоп этилаяпти.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг. >>>

САЙЛОВНИ ЎТКАЗИШДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Ҳар қандай тадбирни уюштириш ва ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Худди шундай, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам.

Хўш, мамлакатимизда ўтказиляётган бу гал сайлов жараёнида мазкур масала қандай ҳал этилмоқда? Бу ишга қайси ташкилотлар масъул?

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида ана шу, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор билан жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул ходимларнинг сайлов давридаги вазифалари ҳамда мажбуриятлари белгиланмоқда. Унга қўра, Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлиги Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия томонидан амалга оширилади.

СЕНАТ ҲАҚИҚИЙ МАЪНОДА ХАЛҚ ПАЛАТАСИГА АЙЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳада бўлгани каби инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш йўналишида ҳам кенг қўламли сайё-ҳаракатлар амалга оширилди. Хусусан, фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилишнинг замонавий механизмлари ҳаётга татбиқ этилиб, салмоқли ютуқ ва натижаларга эришилмоқда. Буни Олий Мажлис Сенатининг мурожаатлар билан ишлар йўналишидаги фаолияти мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Эътибор

Жорий йил бошидан буён 15 мингдан зиёд мурожаатлар келган

Маълумки, Сенатда фуқароларнинг мурожаати билан ишлашнинг янги тизими йўлга қўйилган, яъни халқ билан бевосита мулоқот қилиш орқали ҳудудлардаги реал ҳолат ўрганилмоқда. Парламент юқори палатаси

виртуал қабулхонаси орқали мурожаатлар қабул қилиш жонланиб, аҳоли томонидан Сенат Раиси, сенаторларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига ҳам кўплаб мурожаатлар йўлланмоқда.

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларга муносиб иш шароитларини яратиш, “аёллар дафтари”га киритилган опа-сингилларимизнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида Хоразм вилоятига амалга оширган ташрифининг иккинчи куни ҳам учрашувларга бой бўлди.

Халқ билан мулоқот

Жумладан, вилоят ҳокимлигида “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан олиб бориляётган амалий ишлар бўйича секторлар раҳбарлари, шахар, туман ҳокимларининг хотин-қизлар бўйича маслаҳатчилари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, бандлик ҳамда халқ таълими бошқармалари масъуллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда “аёллар дафтари” билан боғлиқ камчиликлар таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, жойларда аёлларни фақатгина тиббий кўрикдан ўтказиш эмас, бал-

ки улар саломатлигини жиддий назоратга олиш, касалликларни аниқлаш ҳамда даволаш масалаларини ечиш, уларнинг оила аъзолари ва фарзандларини ҳам тиббий кўриқдан ўтказиш муҳим. Ҳар бир оила билан жиддий шуғулланиш, уларга психологик ёрдам кўрсатиш ҳам талаб этилади.

— Дафтардаги оилаларга бир марта қўл учида ёрдам бериб, уларни рўйхатдан чиқариш эмас, балки ҳар бир оилани мунтазам назоратга олиб, уларга барча йўналишда тегишли кўмак кўрсатиш лозим, — деди Т. Норбоева.

САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИННИ ОҚЛАЙМИЗ

Бугун Ўзбекистонда ислохот ва инновациялар натижасида янги сиёсий муҳит вужудга келди. Биргина сайлов тизимини демократлаштириш борасидаги сўнгги беш йил давомида амалга оширилган қонунчилик ташаббуслари бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур ташаббуслар фуқароларимизнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариш имконини бериб, халқимизнинг давлат ва жамият ҳаётида янада фаоллик кўрсатишлариغا туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида 23 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кампаниясига старт берилганлигини мисол сифатида келтириш жоиз. Ҳозир сайлов кампанияси жуда авжида. Чунки 20 сентябрдан сайловолди ташвиқоти бошланди. Бугунги кунда партиямиздан Президентликка кўрсатилган номзод Алишер Қодиров вилоятларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Партия сайлов штаби томонидан ОАВ ва ижтимоий тармоқларда Сайлов кодекси нормалари асосида номзод ва унинг дастури ташвиқот қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар мамлакат ҳаёти ҳамда фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларидан фарқ қилади. Унинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни ва роли ушбу сиёсий тузилмалар фаолиятини замон билан ҳамнафас ташкил этиш, янги сиёсий ғояларни илгари суриш, сиёсий кучни майдонга келишига сабаб бўлган ижтимоий ғуруҳнинг манфаатларини тадқиқ этиб, унга ечим излаш борасида қатъият билан ҳаракат қилишда намоён бўлади.

Шу боис дунё ҳамжамиятида сиёсий партиялар фаолияти жамиятда эркинликни, мамлакатда демократия даражасини белгилайдиган муҳим омиллардан биридир. Айни шу жиҳатдан яқин беш йил ичида туб ислохотлар амалга оширилганига гувоҳимиз.

Дарҳақиқат, бу йилги Президент сайлови янги қабул қилинган Сайлов кодексида мувофиқ ўтаётганини ва ушбу демократик талаблар асосида тайёрланган ҳужжатда ўтган йиллар мобайнидаги Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш бўйича тўпланган ноёб тажрибадан олинган хулосалар ва таклифлар акс этганлигини таъкидлашни истардик. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш жараёнида сайловларда номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақатгина сиёсий партияларга тегишли бўлиши билан боғлиқ таклифи инobatга олингани эътиборга молик.

Мазкур янгилик мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ривожланиши учун катта имкониятдир. Негаки, кўпгина ривожланган демократик давлатлар сиёсий тизимида очик ва эркин ҳаракат қиладиган демократик куч — бу, энг аввало, сиёсий партиялар саналади. Қолаверса, ҳар бир партия муайян бир ижтимоий қатлам ташаббуси билан сиёсий майдонга чиқади. Қонунчиликни эса ана шу талаблар асосида мукаммаллаштириб бориш табиий ва зарурий жараёндир.

Эътироф этиш жоизки, янги Сайлов кодексида энг муҳим демократик нор-

малар ўз аксини топган. Масалан, сайлов комиссияларининг номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкиллаштиришга оид вазифаси чиқариб ташлангани бунга ёрқин мисол бўла олади. Чунки сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш борасида қонун билан тақиқ қўйилиши эркин ва демократик сайловларни ташкил этиш йўлидаги муҳим қадамдир. Жумладан, Сайлов кодексиди:

- давлат органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, судьялар, сайлов комиссиялари аъзолари бўлишлари ҳамда диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланди;
- сайлов натижаларини эълон қилиш муддати асоссиз чўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят қилиш муддати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилди;
- сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти учун ажратилган маблағлардан фойдаланишининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида улар томонидан сайловдан олдин оралиқ ва сайловдан сўнг якуний молиявий ҳисоботларни, шунингдек, Ҳисоб палатасининг партиялар фаолиятини текшириш натижаларини эълон қилиш тартиби жорий этилди.

Авалги сайловларда номзодларнинг сайловолди тадбирларида иштирок этиши учун унинг ишидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда озод бўлиши, бу харажатлар сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган эди. Амалда эса сайловга ажратилган маблағлар ушбу харажатларга йўналтирилмас эди. Шу сабабли Сайлов кодексининг 41-моддасидан “сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан” деган сўзлар чиқариб ташланди. Эндиликда номзод сайловолди тадбирларида иштирок этиши учун иш берувчининг

ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда озод этилмоқда.

Юқоридаги шу каби нормалар сайловни адолатли ташкил этиш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилади, албатта.

Бугун электорат ўзгарди, сиёсий фаоллик жонланди. ОАВ ҳамда фуқаролик журналистикаси янги талаблар асосида фаолият юритаётган бир пайтда жамоат бирлашмаларининг рўйхати ва таснифида биринчи ўринларда қайд этиладиган сиёсий партиялар фаолиятида бу ўзгаришлар қай тарзда акс этмоқда, деган ўринли савол туғилади.

Бу жиҳатдан ҳозирги Президентлик сайловида “Миллий тикланиш” демократик партиясининг иштирокини қисқа сатрларда куйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчи. *Партия моно-логдан диалогга ўтди. Бунда қуйидан юқорига қадар сайловчини эшитиш, тинглашга устуворлик берилмоқда.*

Иккинчи. *Партия марказдан туриб эмас, халқнинг ичига кириб мулоқот қилишга киришди.*

Учинчи. *Жойларда юзма-юз учрашувлар ташкил этиш анъанага айланди.*

Тўртинчи. *Тўғридан-тўғри мулоқотлар ва дебатларнинг мунтазамлиги йўлга қўйилди.*

Бешинчи. *Партия фуқаролик жамиятининг муҳим элементи бўлган ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда сиёсатнинг янги йўналиши, яъни SMM поли-тологиясини амалда қўллаш билан бирга, тизимларда ахборот ғуруҳларини ташкил этгани ҳолда фаолиятга киришди.*

Олтинчи. *Бугун партия танқиддан қочмаяпти, балки бу борада сиёсий тарғибот учун давлат ва нодавлат ОАВда янги форматда минбарлар ташкил этилмоқда.*

Еттинчи. *Партия жур-налистлар, ижодкорлар, тадқиқотчилар ва блогерлар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Айни кунда шу йўналишда маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини амалга оширяпти.*

Саккизинчи. *Партия ўз матбуот наشريда сайлов жараёнларини ўзига хос ин-*

Авалги сайловларда номзодларнинг сайловолди тадбирларида иштирок этиши учун унинг ишидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда озод бўлиши, бу харажатлар сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган эди. Амалда эса сайловга ажратилган маблағлар ушбу харажатларга йўналтирилмас эди. Шу сабабли Сайлов кодексининг 41-моддасидан “сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан” деган сўзлар чиқариб ташланди. Эндиликда номзод сайловолди тадбирларида иштирок этиши учун иш берувчининг ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда озод этилмоқда.

новацион ва креатив услуб-да кенг ёритмоқда.

Тўққизинчи. *Партия кам-чиликларни тан олиш ҳамда уларни бартараф этиш бора-сидаги тарғибот йўлидан бор-моқда ва бу, умид қиламиз-ки, партиянинг сайловчи ол-дида муносиб қиёфасини шакл-лантира олишига ёрдам бе-ради.*

Ўнинчи. *Партия жамият ри-вожига чин мавнода ҳисса қўшишга хизмат қиладиган дастурларни тайёрлашда ўз электоратининг фикрларига кенг ўрин бермоқда. Ўтган давр мобайнида партия ти-зимда 4300га яқин очиқ му-лоқотлар, онлайн учрашувлар, дебатлар ташкил этилган.*

Партия Президентликка номзод дасту-рини рус, инглиз, қорақалпоқ, тожик, қир-ғиз, қозок, туркман тилларида, лотин ва кирилл ҳамда Брайль алифбосида, ном-зод ёки унинг ишончли вакиллари ишти-рокида бўлиб ўтадиган тадбирларни сур-дотаржимонларни жалб этган ҳолда таш-кил этмоқда.

Сайлов кампанияси жараёнида партия ўтизга яқин республика ва ҳудудий, эл-лика яқин ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб кел-моқда. ЎзННТМА, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, “Тараққиёт стратегияси” мар-кази, Ибн Сино жамоат фонди, Халқ та-бобати ассоциацияси, Тарихчилар жами-яти, “Истиқболли авлод” ахборот маркази, “Ишга марҳамат” мономаркази, “Ма-ҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институ-ти, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, “Олтин мерос” жамғармаси, “Нуроний” жамғар-маси, “Хунарманд” уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбе-кистон Республикаси Автомотохаваскор-лар кўнгилли жамияти, Ўзбекистон Рес-публикаси мудофаасига қўмаклашувчи Ва-танпарвар ташкилоти, ўнга яқин спорт фе-дерациялари ана шулар жумласидандир.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, партия илк бор сайловларни ташкил этишда во-

лонтёрлик тузилмалари билан мулоқотни йўлга қўйди. Партиянинг “Ёшлар қаноти” томонидан ташкиллаштирилган олий таъ-лим муассасаларининг кўнгилли талаба-ларидан иборат “Кўмак” ғуруҳи бунга ёрқин мисол бўла олади. Жорий сайло-волди ташвиқоти давомида партия қатор волонтерлик ҳаракатлари билан фаол ҳам-корлик олиб бормоқда. Бу йилги Президент сайловида улар жойларда таш-кил этилган сайлов участкаларидаги партиянинг кўплаб кузатувчилари сафида-лар. Қувонарлиси, волонтерларнинг тенг ярми хотин-қизлардан иборат.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузу-ридаги “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган Ёшлар парламен-тининг 54 нафар аъзоси, партиянинг ва-киллик органларидаги хотин-қизлардан иборат “Депутат аёллар клуби”нинг 369 на-фар аъзоси кузатувчи, Марказий ва ҳудуд-дий Кенгашлар қошида ташкил этилган Фахрийлар кенгаши аъзолари ваколатли вакил ва ишончли вакил сифатида сиёсий жараёнларда иштирок этмоқдалар.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, партия фуқаролик жамия-тининг муҳим институти сифатида кейинги 5 йил мобайнида республикамизда мавжуд ННТ билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди. Бунда, энг аввало, ўз таъкилий тузилмаси-да қатор ўзгаришларни амалга оширди ва самарадорликни оширишга қаратилган мав-жуд инфратузилмани ислох қилиш ҳамда янги ижтимоий институтларни шакллантиришга ўз эътиборини қаратди.

Депутат ёрдამчиси институти, “Депутат аёллар клуби”, Ёшлар парламенти ва “Кўмак” талабалар кўнгиллилар ҳаракати, Фахрийлар кенгаши каби тузилмалар сай-лов кампаниясини Сайлов кодексида му-вофиқ, очик-ошкора, манзилли ва мақсад-ли амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Партия қошида ташкил этилган Ўқув-услубий марказ айни кунда сайловолди ташвиқот тадбирларини муваффақиятли амалга ошириш учун стратегик қарорлар қабул қиладиган, фаолиятнинг мониторин-гини амалга оширадиган ҳамда таклиф-лар ишлаб чиқадиган ақл марказига ай-ланмоқда.

Ишончимиз комилки, ушбу саъй-ҳара-катлар “Миллий тикланиш”нинг 24 октябр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти сайловида муносиб иштирок этишига хизмат қилади.

Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА,
“Миллий тикланиш”нинг
демократик партияси
Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.

СЕНАТ ҲАҚИҚИЙ МАЪНОДА ХАЛҚ ПАЛАТАСИГА АЙЛАНМОҚДА

➡ Ўз навбатида, уларнинг жойига чиқиб ўрганилиши натижасида муаммолар бартараф этиляпти.

Мурожаатлар Сенат кўмиталари томонидан таҳлил қилиниб, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ахборотларини танқидий қўриб чиққан ҳолда, парламент назорати олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг 16 сентябрига қадар 15 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Худудлар кесимида таҳлил қилинганда Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан бошқа худудларга нисбатан кўпроқ мурожаатлар келган. Уларда, асосан, суд-ҳуқуқ йўналиши, уй-жой ва ер, ишга жойлашиш, оилавий масалалар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитга оид, банк ва кредит борасидаги муаммолар баён этилган.

Мурожаатларнинг 5 мингга яқини назоратга олинган. Яна 10 мингдан кўпроги тегishлилиги бўйича масъул давлат органларига қонуний қўриб чиқиш учун юборилган. Қолаверса, 4 мингга яқин мурожаатлар эгаларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Шу ўринда алоҳида айтиш керакики, муаммо ва камчиликлар кўпроқ қайси соҳаларда учраётган бўлса, ана шу йўналишларнинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштиришга эътибор қаратишмоқда. Шу жумладан, Сенат томонидан биргина 2020 йил ва 2021 йилнинг сентябрь ойига қадар 127 та қонун қўриб чиқилиб, маъқулланган. Фақат 8 таси талабга тўлиқ жавоб бермагани боис рад этилган.

Парламент юқори палатаси ялпи мажлисларидан сўнг сенаторларнинг худудларга чиқиб, аҳоли билан бевосита мулоқот қилиши, маъқулланган қонунлар тарғиботини олиб бориши, энг муҳими, аҳоли мурожаатларини

шу жойнинг ўзида масъуллар иштирокида қўриб чиқиб, ҳал этиши аъна-нага айлиниб улгурди. Шундай тадбирлар жорий йилнинг 6 — 9 сентябрь кунлари ҳам ташкил қилинди. Сенаторлар жойларда жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, фуқаролар мурожаатларини ҳал этиш чораларини қўришди.

Масалаларни ўрганиш ва ҳал этишда ноодатвий ёндашув

Дарҳақиқат, юқори палатада мурожаатларни ўрганиш ва муаммоларни ҳал этишда ноодатий ёндашув кўзга ташланмоқда. Келинг, буни битта мисол асосида таҳлил қўлиб қўрайлик.

Маълумки, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Ўқитувчилар кўчасида яшовчи аҳоли Тошкент вилоятининг Қўрай туманидаги Дўрмон қишлоғига кўчирилганди. Боиси у ердаги тураржой бинолари давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олинган. Фуқаролар ушбу ажратилган худудда инфраструктура, газ, электр энергияси, сув, канализация тармоқларида етарлича шарт-шароитлар йўқлиги юзасидан бир неча мартабта қатор ташкилотларга мурожаат қилган. Натижа бўлмагач, Олий Мажлис Сенатидан ёрдам сўраган.

Мазкур масала Сенатнинг ўн еттинчи ялпи мажлисида қизгин муҳокама қилиниб, тезкор ўрганиш ишлари олиб борилди. Натижада ер майдонлари олинган фуқароларга Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 сентябрдаги қарори билан Дўрмон қишлоғи худудидан 28,47 гектар ер майдони аққа тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ажратиб берилганлиги аниқланди.

Қўрай тумани ҳокимининг 2020 йил октябрь ва декабрь ойларидаги қарор-

ларига асосан мазкур даҳадан жами 101 та ер участкаси фуқароларга яққа тартибда уй-жой қурилиши учун ажратилган бўлса-да, айна вақтда уларнинг 79 тасига нисбатан ер участкасидан кадастр паспорти шакллантирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида худуд инфраструктурасини яхшилаш, аҳолига доимий ва сифатли коммунал хизматларини кўрсатиш мақсидида 375 донга электр токи учун темир-бетон таянчлар, 25 км. паст қучланишли тармоқ ҳамда 400 кВА юқори қучланишдаги трансформатор пункти ўрнатилиши, “Қўрайтумангаз” таъминоти балансида бўлган юқори босимли Д-500 мм. бўлган газ қувуридан 2 км. газ тармоғи тортилиши, Қорамурт кўчасидан ўтган “Қодирия 4-водовод”дан тармоқ уланиши ва насос станцияси қурилиши белгиланган эди.

Аммо бу вазифалар фақат қорғозларда қилиб кетган. Натижада фуқаролар яна бир бор Сенатга мурожаат қилди. Бу сафар сенаторлар масалага ўзгача ёндашди. Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қ. Бурхонов ҳамда Хотинқизлар ва гендер масалалари кўмитаси раиси М. Қодирхонова Қўрай тумани ҳокимлигида худуддаги мавжуд муаммоларни тегishли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан биргаликда муҳокама қилди. 100 нафардан зиёд худуд аҳолиси томонидан билдирилган эътирозлар жойида, масъул вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида ўрганилди.

Шу жараёнда худудда ажратилган ер майдонларининг уй-жой қуриш талабларига жавоб бермаслиги, газ, электр, сув, канализация тармоқлари йўқлиги ҳамда автомобил йўли устидан фуқароларга ер ажратилганлиги боис мавжуд йўл устига иморат қурилиши натижасида янги йўл қурилиши режалаштирилмагани аҳоли норозилигига сабаб бўлаётгани ойдинлашди.

Муҳокама якунида масъулларга худуд инфраструктурасини яхшилаш, аҳолига доимий ва сифатли коммунал хизматларни кўрсатиш, янги ташкил этилган даҳада аҳолини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва канализация, алоқа тизими билан таъминлаш ҳамда ички йўлларни қуриш бўйича масъул вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилаётган ишлар, хусусан, лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоб юмушларини қўриб чиқиш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан 10 кун муҳдатда тегишли вазирлик, идоралар билан келишилган ҳолда худуд бош режаси тасдиқланиши бўйича топшириқ берилди. Шунингдек, ушбу ҳолат Сенат томонидан назоратга олинди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенати Халқроқ муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Р. Алимовнинг Андижон вилоятида ўтказган сайёр қабулида ҳам фуқаролар кундалик ҳаётидаги муаммоларни бартараф этиш борасида амалий чоралар қўрилди. Мурожаатларнинг аксарияти мутасадди ташкилот ва идоралар иштирокида ҳал қилинди.

Сенатор аралашуви билан ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилди

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Б. Сайфуллаев Фарғона вилоятида ёшлар бандлиги ҳолатини ўрганиш жараёнида уларнинг мурожаатларини ҳам қўриб чиқди. Натижада 3 кун ичида вилоятда “Ёшлар дафтари”га киритилган ва сертификат олган 85 нафар йигит-қизга

1 млрд. 844,8 млн. сўм микдориди имтиёзли кредитлар ажратилишига эришилди.

Сариосиё туманилик Қ. Тошмуратова ҳомиладор бўлишига қарамай, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан норози бўлиб, Сенатга шикоят йўллаган. Ўрганиш жараёнида фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди ва у ўз ишига қайтарилди.

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида кутубхона учун ажратилган ер майдони ноқонуний равишда шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари томонидан олиб қўйилаётгани ҳамда қурилиш учун рухсат берилмаётганидан норози бўлиб мурожаат йўллаган Ш. Абдуллаеванинг масаласи кўмита кўмағида ҳал қилинди. Ёш тадбиркорнинг ери қайтариб берилди. Ҳозир бу ерда қўрқам кутубхона барпо этилмоқда.

Яна бир мисол. Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси О. Иминов томонидан Андижон вилоятида мурожаатлар жойига чиққан ҳолда ўрганилиши натижасида “Бўтоқора” муруват уйи тарбияланувчиларининг талаби қондирилди, яъни уларга пул маблағлари ажратилишига эришилди.

Шундай қилиб, сенаторлар томонидан юртимизнинг барча худудидида турли муаммолар чуқур ўрганилиб, уларнинг ечим юзасидан масъулларга кўрсатмалар берилмоқда. Муҳими, мурожаатлар ижроси назоратга олинапти.

Умуман, бугун Олий Мажлис Сенати ҳалқ ичига кириб бориб, уларни қийнаб келаётган муаммо ва камчиликларни жойларнинг ўзидида ҳал этишга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Сенатнинг ҳақиқий маънода ҳалқ палатасига айланишига замин ҳозирлаяпти.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ



➡ Сўнгра ишчи гуруҳ аъзолари Янгиарик туманида бўлиб, “Global Food Impex” масъуляти чекланган жамиятига қарашли 80 гектар майдонга эга иссиқхона фаолияти билан танишди. Мазкур корхонада ишлаётган хотин-қизлар билан учрашув ташкил этилди ва улар учун яратилган шарт-шароит кўздан кечирилди.

Айтиш жоизки, 2019 йилда ишга туширилган 10 гектарлик иссиқхонага айна дамда бодиринг экилган. Яна 104 гектар майдонда қурилиш-таъмирлаш юмушлари якунланиши арафасида. Шу каби саъй-ҳаракатлар натижасида тез орада ишчилар сонини 260 нафардан 1 минг 460 тага етказиш режалаштирилган. Эътиборлики, жамоа аъзолари 2021-2022 йиллар давомида 53 миллион АҚШ долларлик полиз маҳсулотларини Россия ва Қозғоғистонга сотишни ният қилиб турибди.

Навбатдаги манзил — Янгиарик туманидаги Каттабўғ қулоқчилик маркази. Бугун юртимизнинг қайси худудига борманг, зангори қулоқчилик намуналари билан безатилган замонавий ва тарихий обидаларга қўзингиз тушади. Буларнинг аксариятида каттабўғлик қулоқларнинг ҳам хиссаси бор. Сенат Раиси марказ фаолияти, ҳунармандларга яратилган шартлолар билан яқиндан танишиш ҳамда қулоқлар сулоласининг саккизинчи авлоди бўлган Баҳодир Отажонов билан суҳбатлашди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ аъзолари Хива шаҳридаги 450 га яқин қишлоқлар меҳнат қилаётган “Хива гилмлари” комбинати фаолияти, бу ерда яратилган шартло ва имкониятлар билан танишди. Ишчиларнинг яриидан қўли хотин-қизлар ва аёллар даф-

тари”га киритилган опа-сингилларимиздан иборат. Корхона ойига 3,5 млрд. сўмлик гилам ва гилам маҳсулотларини нафақат ички бозор, балки экспорт учун ҳам етказиб бераётди.

Маълумки, Фарғонада Эркин Воҳидов, Андижонда Мухаммад Юсуф, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зўлфия, Қоракалпоғистонда Иброҳим Юсупов номидида мактаб-интернатлар ташкил этилган бўлиб, бу ёш адабиётлар учун кенг имкониятлар яратди. Худди шундай, ўзбек мумтоз адабиёти, маданияти, маънавияти ва маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ шоир, тарихнавис, таржимон, давлат арбоби Мухаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Оғаҳий таваллудининг 210 йиллиги арафасида Хивада Оғаҳий номидида ижод мактаби ишга туширилган эди. Ишчи гуруҳ аъзолари шу манзилда ҳам бўлиди.

Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда хорижий тилларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 220 ўринли ўқув биноси, 100 ўринли ётоқхона ва ошхона, кутубхона, босмаҳона, спорт зал ҳамда ёғи спорт майдончалари мавжуд. Айна пайтда бу ерда ёш иқтидор эгалари адабиёт, илм-фан сирларини пухта ўрганмоқда.

Ижод мактабининг иқтидорли қизлари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда уларнинг вилоят ва республика даражасидаги танловларда қўлга киритган муваффақиятлари хусусида сўз юритилди. Ишчи гуруҳ аъзоларининг ўрганишлари вилоятнинг бошқа худудларида ҳам бўлиб ўтди.

Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).

МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШНИ БЕЛГИЛОВЧИ НОРМАЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДАН ЧИҚАРИЛДИ(МИ?)

➡ Соҳани барқарор ривожлантириш мақсидида “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳасидаги нормалар истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, сотувчининг истеъмолчи олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган. Лойиҳани ишлаб чиқишда МДХ, Европа мамлакатлари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар тажрибалари, шунингдек, халқроқ ҳужжатлар атрофида ўрганилган.

Қонун лойиҳасида товар ҳамда савдо қилиш қоидалари тўғрисидаги маълумотлар давлат тилида берилиши, шартномага истеъмолчининг ҳуқуқларини камситадиган шартларни киритиш, шунингдек, истеъмолчига қонунчилик билан ўрнатилган имтиёз ва афзалликларни бермаслик тақиқланиши, товарнинг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда текширув (тест, экспертиза) қилиш харажатлари истеъмолчига қоплаб берилиши, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ваколатларини кенгайтириш ҳамда товарларни (иш ва хизматларни) ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда реализация қилиш каби нормалар ўз аксини топмоқда.

Қонунчилик палатасининг мажлисида мазкур қонун лойиҳаси билан амалдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига киритилаётган “юридик шахсларга молиявий санкциялар қўллаш” нормаси иккинчи қўшиқда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ва депутатлар томонидан билдирилган жиддий эътирозлар сабабли қўпчилик овоз билан кўмитага қайта ишлаш учун қайтарилган эди.

Ўтган вақт мобайнида қонун лойиҳасини маромига етказиш мақсидида ишчи гуруҳ йиғилишлари ва фракцияларор дебатлар ташкил этилиб, лойиҳа юзасидан эътироз ва тақлифлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг жорий йил 20 август куни мажлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувда бизнес субъектлариға солиқ ҳисоботларини кечикитириб топшириш ва солиқ идораларининг камерал назорати натижасига кўра молиявий санкцияларни қўллаш амалиётини бекор қилиш, тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш борасидаги сиёсат қатъий давом эттирилиши таъкидланди.

Шу муносабат билан, ишчи гуруҳ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишига оид ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ нормаларини янада либераллаштириш мақсидида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузган ишлаб чиқарувчига (ижроичига, сотувчига) нисбатан молиявий санкцияларни қўллашни белгиланган нормани лойиҳадан чиқариш тўғрисида умумий хулосага келинди.

— Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ваколатларининг мустаҳкамла-нишига, истеъмолчилар жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари белгиланишига, энг муҳими, истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга, сотувчининг истеъмолчи олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини оширишга хизмат қилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бекмирза Эшмурзаев.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан берилган тақлиф ва тавсиялар асосида маромига етказилиб, пухта-пишиқ ҳолатга келтирилди. Шу муносабат билан лойиҳа Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига киритилиши белгиланди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING АФҒОНИСТОНГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ ТўҒРИСИДА

➡ Томонлар мамлакатдаги мавжуд вазият, Афғонистон халқига гуманитар ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатлар, шунингдек, мамлакатда энергетика ва транспорт соҳаларида йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Афғонистон муваққат ҳукумати аъзолари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга афғон халқининг орзу-интилишларига қаратаётган улкан эътибори, озиқ-овқат инқирозининг олдини олишда кўрсатган ёрдами учун самимий миннатдорлик билдирди.

Афғонистон томони Ўзбекистон Президентининг Афғонистон янги ҳокимияти билан конструктив ва ўзаро мақбул

мулоқот ўрнатишга қаратилган сиёсатини, шунингдек, халқроқ ҳамжамиятга Афғонистоннинг хориждаги музталифлар активларига нисбатан қўйилган чекловни олиб ташлаш чорловини юқори баҳолади.

Афғонистон делегацияси аъзолари Ўзбекистон ҳукуматиға “Мозори-Шариф” халқроқ аэропорти фаолиятини тиклаш, Ўзбекистон — Афғонистон чегарасининг узлуксиз ишлаши, у орқали мамлакатда доимий равишда озиқ-овқат ва бошқа турдаги бирламчи товарлар етказиб беришдаги кўрсатилаётган ёрдам учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Томонлар яқин орада Термиз шаҳрида савдо-иқтисодий масалаларини, жумладан, “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш тармоқлари ва Мозори-Шариф — Қобул —

Пешовар йўналиши бўйлаб темир йўл қуриш лойиҳаларини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун қўшма музокаралар ўтказиш тўғрисида келишиб олди.

Афғонистон томони ушбу лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилинган Ўзбекистонлик мутахассисларнинг хавфсизлигини таъминлашга тайёргилини маълум қилди.

Биродар Ўзбекистон хавфсизлигига Афғонистон худудидан ҳеч қандай таҳдид бўлмаслиги расмий Қобул томонидан қатъий билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати.

Фракцияларда

ҲАЙДОВЧИЛАР УЧУН БИР ҚАТОР АФЗАЛЛИКЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда депутатлар дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини қўриб чиқиш каби нормалар киритилмоқда. Меҳнат шартномасини тузиш билан боғлиқ айрим муносабатлар тақомиллаштириляпти.

— Ушбу қонун лойиҳасига “иш режимининг ўзгарувчан вақти” деган норма киритилмоқда ва бу билан “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Сайловолди дастуридаги устувор вази-фалардан бири ҳисобланади, — деди

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ БЮРОКРАТИК ТўСИҚЛАР ОЛИБ ТАШЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида қўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қайд этилганидек, шу ва бошқа ҳаётий зарур талаблардан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг қабул қилиниши амалиётда қатор қулайликларни яратди. Эътиборли жиҳати, қонун лойиҳаси Меҳнат кодекси қоидаларини халқроқ ҳуқуқ нормалари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқроқ шартномаларга мослаш имконини яратди ҳамда меҳнат ҳуқуқи нормаларини фуқаролик, оила ва бошқа қатор ҳуқуқ соҳалари билан мувофиқлаштирди.

Йиғилишда “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонун

лоийҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди. Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши халқроқ амалиётни ҳисобга олган ҳолда почта алоқаси хизматларини яратиш ва фаолият соҳасидаги муносабатлар иштирокчиларига аниқлик киритади. Миллий опера-торларнинг Умумжаҳон почта иттифоқи актлари ва халқроқ амалиётга, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга мос бўли-шини таъминлайди.

Йиғилишда қун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

фракция аъзоси Жаҳонгир Ширинов. — Яъни бу, тарбия ва таълим тизими ислохотлари самарадорлигини ошириш учун аёлларга муносиб иш шартини яратиш, болали аёлларга қулай иш вақтини белгилаш гоёсидир. Ҳатто айрим партиялар бу тақлифга қаршилик қилиб, уни “дискриминация” деб ҳам баҳолади.

Депутатлар Меҳнат кодексининг янги таҳрирда қабул қилиниши бир қатор имкониятларни юзага чиқаришини эътиборга олиб, уни маъқуллади.

МЕҲНАТ КОДЕКСИГА ЯНГИ МЕБЁРЛАР АКС ЭТМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар ижтимоий-иқтисодий соҳани янада тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини қўриб чиқди.

Дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Тақлиф этилаётган лойиҳа билан ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини, улар билан бевосита боғлиқ бўлган яққа меҳнат ва ижтимоий муносабатларда мувозанат ва мувофиқликни таъминлаш асосида тартибга солиш, ходимлар меҳнат ҳуқуқлари ва эркинликларининг, шу жумладан, меҳнат қилишга, эркин касб танлашга, адолатли ва хавфсиз меҳнат шартло-ларига ҳамда ишсизликдан ҳимояла-нишга бўлган ҳуқуқнинг давлат кафолатларини белгилаш каби бир қатор нормалар тартибга со-линмоқда.

Кодекснинг меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик принци-

пи, меҳнат ҳуқуқлари таъминла-ниши ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишининг кафолатланган-лиги принципи, меҳнатга оид ҳуқуқ лаёқати ҳамда муомала лаёқати, ходимнинг ҳуқуқлари, ходимнинг мажбуриятлари, иш берувчининг ҳуқуқлари ва иш берувчининг мажбуриятлари каби бир қатор моддаларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Депутатларнинг фикрича, киритилаётган ўзгариш ва қўшим-чалар соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибда солишни янада муста-ҳкамлашга, бу борада қонун-чиликдаги бўшлиқларни тўлди-ришга хизмат қилади.

Йиғилишда фракция фаолия-тига доир бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

САЙЛОВНИ ЎТКАЗИШДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул ходим ўз фаолиятини сайлов комиссиялари билан ҳамкорликда ташкил этади, сайлов бюллетенлари олинган кундан бошлаб бюллетенлар ҳамда бошқа ҳужжатлар сақланадиган бинонинг қўриқланиши, шунингдек, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари кузатуви остида сайлов натижаларига доир ҳужжатларни ташишда хавфсизлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, сайловчиларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлигини ҳамда сайлов жараёни иштирокчиларининг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмаган ҳолда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул ходимга сайловчилар, кузатувчилар ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларига таъсир ўтказиш, сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш, бирон-бир ташвиқот материални ёки адабиётини тарқатиш, сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш, сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, унинг мажлисларида ҳозир бўлишга, сайлов қўтиларини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишга аралашиш таъқиқланади.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Маълумотларга кўра, аккредитациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар умумий сони 380 нафарга етган. Марказий сайлов комиссияси халқаро кузатувчиларга сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун мандатларни қонунда белгиланган муддатда тақдим этмоқда.

Ўз навбатида, ўтган вақт давомида аккредитациядан ўтказилган маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари 1 минг 357, хорижий ОАВ вакиллари эса 146 нафарга етди.

Мажлисида 4-Жиззах, 6-Наманган, 13-Қашқадарё ва 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиялари раисларининг сайловга тайёргарлик қўриш бўйича ҳисоботлари тингланди. Якунда кун тартибига қриштилган қарорлар очик овоз бериш орқали, комиссия аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Раҳим ШЕРКУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА БАНДЛИКНИ ТИКЛАШ ЗАРУРАТИ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан Бутунжаҳон муносиб меҳнат қунига бағишлаб “Ковиддан кейинги даврда бандликни тиклаш” мавзусида видеоконференцалоқа форматида онлайн семинар ўтказилди.

Семинар

Тадбирда Халқаро қасаба уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК) Бутун Европа минтақавий кенгаши Ихрочи қотиби Антон Леппик, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бюроси директорининг ўринбосари Михаил Пушкин, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, тармок ҳамда ҳудудий қасаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарлари қатнашди.

Қайд этилгандек, жорий йилда Бутунжаҳон муносиб меҳнат кунининг 14 йиллиги нишонланмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, 2008 йилдан

бўён дунё бўйлаб 120 миллиондан зиёд одамлар ушбу кунни нишонлашда қатнашган. Мазкур сана Ўзбекистон қасаба уюшмалари томонидан ҳам кенг нишонлаб келиняпти.

ХМТ томонидан яратилган Муносиб меҳнат қонцепциясига биноан маҳсулдор бандлик ва муносиб иш — адолатли глобаллашувга эришиш, камбағаллик қўламини қисқартириш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш йўлидаги ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат таъминлайди, балки иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ҳамда ривожланиши, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омилдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) ўринларга профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади

1	Таъбир толаларни дастлабки ишлаш технологияси	Кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.	9	Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси	Кафедра мудири, катта ўқитувчи.
			10	Костюм дизайни	Кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи.
2	Технологик машиналар ва жиҳозлар	Профессор, доцент.	11	Кимёвий технология	Профессор, ассистент.
3	Муҳандислик графикаси ва механика	Доцент, ассистент.	12	Физика ва электротехника	Кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент.
4	Меҳнат муҳофазаси ва экология	Катта ўқитувчи, ассистент.	13	Ўзбек ва хорижий тиллар	Ассистент.
5	Ижтимоий фанлар	Катта ўқитувчи.	14	Матбаа ва қалоклаш жараёнлари технологияси	Кафедра мудири, доцент.
6	Тўқима матолари технологияси	Кафедра мудири, профессор, доцент, ассистент.	15	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	Кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
7	Йнгириш технологияси	Доцент.	16	Корпоратив бошқарув	Доцент, катта ўқитувчи.
8	Тўқимачилик материалшунослиги	Профессор, ассистент.	17	Математика ва информатика	Кафедра мудири, доцент.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва иxtиролар рўйхати, малака

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарсларини ўтказди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 210-хона. Тел.: 71-253-17-78.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ)

2022 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институти — докторантурага қабул эълон қилади:

1. Куруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё.	11.00.03	Докторантура	1
2. Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология.	11.00.04	Таянч докторантура	1
3. Куруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё.	11.00.03	Таянч докторантура	3
4. Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология. Куруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё.	11.00.04 11.00.03	Мустақил изланувчи	

Ҳужжатлар 2021 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусовид тумани, Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72-уй.
Маълумот учун телефонлар: 71-235-58-12, 71-235-83-29, 71-235-79-23.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 411 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳама оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маираббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ 2022 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА, ДОКТОРАНТУРА ВА МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИККА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддатлари, талаб этиладиган ҳужжатлар ва топшириладиган имтиҳонлар рўйхати қуйидагилардан иборат:

1. Ҳужжатлар 2021 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.
2. **Таянч докторантурага:** магистр даражасига ёҳуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот тўғрисидаги дипломага (мутахассислик дастурлари бўйича); фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига кириштирилган маъруза тезисларига эга бўлганлар қабул қилинади. ОТМ ва ИТМларда ректор (директор) раислигида қабул комиссияси тuzилади. Қабул комиссияси аъзолари ректор (директор) томонидан тегишли ихтисослик бўйича етакчи олимлар орасидан тайинланади.
3. **Таянч докторантурада** ўқишга талабгорлар олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: ариза; қисқача биографик маълумотнома; меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун); олий маълумот, фан номзоди ёҳуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси; тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси; нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (камида 3 та мақола ва 2 та тезис).
4. **Докторантурага:** фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёҳуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар; фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёҳуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий
5. **Докторантурада** ўқишга талабгорлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: ариза; қисқача биографик маълумотнома; меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун); олий маълумот, фан номзоди ёҳуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси; тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси; нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (камида 3 та мақола ва 2 та тезис).
6. **Таянч докторантурада** ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширади. Талабгорларда IELTS (ўртача бали камида 5,5), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.
7. **Таянч докторантурага** кириш имтиҳонлари ва **докторантурага** кириш учун суҳбат 1 — 25 ноябрь кунлари ўтказилади.

Ҳужжатлар pdf шаклида тайёрланиб, 2021 йилнинг 15 октябригача Олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштирувчи Ягона электрон тизим (<http://phd.mininnovation.uz>) орқали рўйхатдан ўтган ҳолда қабул қилинади.

Берилган квоталар:
таянч докторантурага 6 та, докторантурага 3 та.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Арнасой кўчаси, 17-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 93-550-00-92, 90-323-78-22.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ҳамшираларни, фаррошларни доимий иш жойига тақлиф қилади.
Тунги навбатчиликлар бўйича таъжрибаси бўлиши, рус ва ўзбек тилларини билиши шарт.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Арнасой кўчаси, 17-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 90-185-44-65, 93-535-35-75.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

2022 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD), ДОКТОРАНТУРА (DSc) ВА МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИККА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Таянч докторантура:
08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт — 1 ўрин.
08.00.02 — Макроиқтисодиёт — 1 ўрин.
08.00.10 — Демография. Меҳнат иқтисодиёти — 1 ўрин.
08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 2 ўрин.

Докторантура:
08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 1 ўрин.

Ҳужжатлар 2021 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.

Таянч докторантурада (PhD) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- ➔ ариза;
- ➔ қисқача биографик маълумотнома;
- ➔ меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- ➔ олий таълим магистратураси дипломи нусхаси;
- ➔ нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- ➔ Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширади. Талабгорларда IELTS (ўртача бали камида 5,5) TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда, чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Докторантурада (DSc) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- ➔ ариза;
- ➔ қисқача биографик маълумотнома;
- ➔ меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- ➔ олий таълим, фан номзоди ёҳуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- ➔ тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- ➔ нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Докторантурада ўқишга талабгорлар коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади. Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат 2021 йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари ўтказилади.

Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Ислоҳ Қаримов шоҳкўчаси, 49-уй, Тошкент давлат иқтисодиёт университети бош биноси, 14-қават, 14-07-хона. Телефон: 71-239-29-42. website: www.cedr.uz e-mail: info@cedr.uz